ИБН СИНО МЕРОСИДА МАЪНАВИЯТ ТАМОЙИЛЛАРИ

ШАЯКУБОВ ШОМАНСУР ШАКАБИЛОВИЧ,

Тошкент молия институти “Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти, т.ф.н.
Телефон: (93) 546 26 62, (71) 235 60 23

Мустақиллик йилларида амалга оширилган ислоҳотлар мамлакатимизда эришилган муваффақиятлар учун омил бўлмоқда, бунинг натижасида Ватанимиз шуҳрати кун сайин юксалиб бориб, шу муқаддас заминда инсон азиз бўлиб бормоқда, фуқароларнинг фаровон турмуш тарзи таъминланмоқда. Баркамол авлоднинг камолотида энг зарур вазифа ёшларимиз, аввало, ўз ўрни, ҳақ-ҳуқуқи, бурч ва масъулиятини пухта билиши, уни ҳаётий эҳтиёж сифатида англаши, фаолият ва ҳатти-ҳаракати, турмуш тарзида уларга амал қилиши эътиборга олинаётганлиги алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида “...биз ижтимоий соҳада аҳоли саломатлиги, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, дори воситалари билан ишончли таъминлаш, жисмоний бақувват ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни камол топтириш масалаларига алоҳида устувор аҳамият бермоқдамиз”[1], дея таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда маънавий етуклик, мафкуравий уйғоқлик, фуқаролик масъулиятисиз баркамол авлодни тарбиялаш мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримов «Биз бугунги ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзини, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат ва эҳтиром туйғусини болалик ёшидан бошлаб шакллантиришимиз зарур», -дея таъкидлайди[2].

Бунинг учун биз ёшларимизни жисмонан бақувват, маънан етук, руҳан тетик, аҳлоқан пок, зийрак, сергак, хушёр, жонкуяр, бағрикенг қилиб тарбиялаб, бепарволик, лоқайдлик, ғаразли туйғу ва ғоялардан сақлашимиз зарур. Баркамол авлод камолотида тарихга мурожаат этиш, бой меросимизни қадрлаш, уни бойитишимизда улар иштирокини кучайтириш зарур.

Тарихдан маълумки, тарбия - кишилик жамияти пайдо бўлиши билан бошланади ва ривожланиб боради. Фарзанд дунёга келиши билан ота-онанинг парвариши орқали атроф-муҳит билан танишиб боради ва турмуш фаолияти бошланиши билан ишлаб чиқариш тажрибаси ва малакаларини

---

[1] Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. –Т.: Ўзбекистон, 2017. –Б.18.

[2] Каримов И. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: Ўзбекистон, 2008. –Б.50.

ўзлаштиради, ақлий ва жисмоний камолот, маданият, аҳлоқ ва эстетик қарашларни шакллантириб боради.

Шарқда, жумладан Ўрта Осиёда яшаб ижод қилган Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Абдулла Авлоний каби мутафаккирларнинг илмий меросида ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор берилиб, уларни инсонпарвар, ватанпарвар, меҳнатсевар, ростгўй, довюрак қилиб тарбиялаш, жоҳиллик ва шавқатсизлик, текинхўрлик ва дангасалик каби ғайриинсоний иллатлардан узоқ қилиш каби, масалалар муҳим ўрин эгаллаган.

Ўрта Осиё халқлари маданиятини Ўрта аср шароитида дунё маданиятининг олдинги қаторига олиб чиққан буюк мутафаккирлардан бири - Абу Али ибн Сино бўлиб, у Европада Авиценна номи билан машҳурдир.

Ибн Синонинг ҳаёт йўли ўзи ёзган таржимаи ҳоли ва шогирди Жузжоний томонидан қолдирилган манбалардан маълум. Ибн Синонинг илмий қизиқишлари, дунёқарашининг шаклланишида қадимги Шарқ маданияти, юнон илми, фалсафаси, Ўрта Осиё халқларининг мустақиллик учун олиб борган курашлари муҳим рол ўйнади. Ибн Сино ўз таржимаи ҳолида Фаробийнинг «Метафизика мақсадлари», «Фусус ул-ҳикам» каби муҳим рисолаларини қунт билан ўрганганлиги, улардан кенг фойдаланганлигини таъкидлаб ўтади[3].

Ўз асарларида ижтимоий масалаларга алоҳида эътибор қаратган Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Синонинг илмий қарашларида баркамол авлод тарбияси муаммоси муҳим ўрин эгаллаган. Унинг фикрича, инсон ўз моҳиятига кўра ижтимоий мавжудотдир. Ҳар бир инсон ўзгаларнинг ёрдамисиз, жамиятдан ташқарида камолотга ета олмайди. Ўз навбатида, жамият ҳам инсонларнинг ўзаро бирикуви ёрдамида, моддий эҳтиёжларни қондиришга интилиши натижасида ривожланиб боради. Фарзанд тарбияси фақатгина оила зиммасида бўлмай, балки жамият таъсирида ҳам амалга оширилади. Ибн Синонинг бу қарашларидан шахс ижтимоий муносабатлар мажмуидан иборат деган хулоса ўша даврлардаёқ шакллганлиги, оиладаги бола тарбияси жамиятнинг мавжуд ижтимоий-сиёсий тузум талаблари доирасидан келиб чиқиб йўлга қўйилиши лозимлигини кўришимиз мумкин.

Ибн Сино ўзининг «Ақсом ул-улум ул-ақлийа» («Ақлий билимлар таснифи») номли асарида “ҳақиқий ахлоқий фазилатларга ва идеал жамоага шу мавжуд дунёда эришув мумкин, жамиятда инсонлар ўзаро ёрдам асосида яшашлари керак”, деб таъкидлайди. Унинг фикрича, “жамият кишиларнинг ўзаро келишуви асосида қабул қилинадиган адолатли қонунлар ёрдамида бошқарилиши лозим, жамият аъзоларининг ҳаммаси бу қонунга итоат этишлари, қонунни бузиш ва адолатсизлик жазоланиши лозим”[4].

---

[3] Болтаев М. Н. Абу Али ибн Сина — великий мыслитель, учёный энциклопедист средневекового Востока — М.: Сампо, 2002. —Б. 223; *Лютер И. О.* Метафизика Ибн Сины: угол — отношение, качество, положение или всё-таки количество? // Историко-математические исследования. — 2003. — № 8(43). — Б. 278—302.

[4] Ибн Сина. Даниш-намэ. Книга знания. — Сталинабад, 1957. –Б. 312.

Аллома фанларни классификациялаб, биринчи ўринга тиббиёт фанларини қўяди. Фанни аввал назарий ва амалий қисмларга бўлади. Масалан, фалсафий фанларни иккига: назарий ва амалий қисмга бўлади. Бунда назарий қисмнинг вазифаси кишининг ўзидан ташқи борлиқ тўғрисидаги билимларни эгаллашдан иборатдир, амалий қисмнинг объектини кишининг фаолияти деб ҳисоблайди. Фаннинг назарий қисмини, ўз навбатида, яна уч қисмга: тибииёт, математика, теологияга бўлади. Чунки олим бу фанларнинг ҳар бирини ўрганиш ва текшириш объектлари турлича эканлигини изоҳлайди.

Абу Али Ибн Сино фикрича, тиббиёт моддий борлиқ ва ҳаракатни ўрганади, математика эса материя ва ҳаракатга боғлиқ объектарни ўрганади.

Теология материя ва ҳаракатга боғлиқ бўлмаган объектлар: худо ва бошқаларни ўрганиш билан шуғулланади. У амалий илмни ҳам уч гуруҳга бўлади: биринчи қисм фақат шахсга оид бўлган билимларни ўз ичига олиб, кишининг бу ва “нариги” дунёда бахтга эришмоғи учун унинг характери қандай бўлиши кераклигини ўргатади. Иккинчи қисм фанларнинг ўрганиш мавзуи оилада кишиларни муомала ва ўзаро муносабатлари қандай бўлиши кераклиги масаласи ҳисобланади. Учунчи гуруҳ фанлар бир мамлакат ичидаги кишиларнинг ўзаро муносабатларига оид масалаларини ўрганади.

Абу Али Ибн Сино ўз асарларида кишиларни, айниқса ёшларни фанни эгаллашга, бу соҳада камолатга эришиши учун интилишга чақирди. Унинг фикрича, олим табиат қонунларини очиши ва уни авлоддан-авлодга бериши керак, илмни эгаллаш жараёнида ҳар қандай тўсиқлар учрайди, кимки фан чўққисини эгаллашга интилса, у мақсадга интилувчан, қийинчиликларни енгишга тайёр бўлиши керак, бунда кишининг ботирлиги ва жасурлиги катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ибн Сино тан ва руҳ поклиги масаласига алоҳида эътибор бериб, оиладаги тозалик, покизалик ва тартиблилик ҳақида гапириб, вақтида «тишни ювиш, кўз ва қовоқларни тоза тутиш, тирноқларни олиб туриш, силлиқлаш, танни тоза тутиш» каби хислатлар сиҳат-саломатликдан ташқари инсон гўзаллиги, маънавий поклигини ҳам таъминлайди», деб ёзади. Унинг тан ва руҳ саломатлиги ҳақидаги фикрлари ёшларни соғлом турмуш тарзига ўргатиш борасидаги бугунги кун талаблари билан ҳамоҳангдир.

Абу Али ибн Сино оила тарбияси масалаларига бағишланган махсус «Тадбир ал-Манозил» асарида оилада ота-онанинг вазифаси ва бурчига, шунингдек, оила муносабатларига тўхталар экан, айниқса ота-онанинг оилада меҳнатсеварлиги билан фарзандларни ҳам касб ва ҳунарга ўргатиш борасида муҳим фикрлар баён этилган. Унинг тарбиявий қарашларида ота оилада ўз фарзандларига ҳар томонлама юриш-туриш, нутқ одоби, сўз маданияти, ўзаро муомала жараёни каби муҳим амалий иш фаолиятида тўғрилик ва ҳаққонийлик ҳамда самимийликда намуна бўлмоғи кераклиги муҳим ўрин эгаллаган[5].

---

[5] Болтаев М. Н. Абу Али ибн Сина — великий мыслитель, учёный энциклопедист средневекового Востока — М.: Сампо, 2002. —С. 212.

Инсоф ва диёнатлилик илмини дастур қилиб, бошқаларни писанд қилмасликдан ўзини тийиш Абу Али ибн Синонинг аҳлоқий фазилатларидандир. У илмий даража нуқтаи назардан фалсафий илмлар сохасида ўз даврининг донишманди эди. Чидамлилик, доимий собит қадамлилик ва фурсатни бекорга зое қилмаслик каби фазилатлар хам Ибн Синонинг аҳлоқий хусусиятларидандир. Унинг лаёқати, истеъдоди, заковати шу кадар кучли бўлганки, улар ҳақида афсоналар, ҳикоят ва латифалар тўқилиб турли тарихий китобларга киритилган. Унинг зеҳни шу қадар ўткир бўлганки, у ўн саккиз ёшидаёқ ўз замонаси илмининг барча соҳаларини мукаммал эгаллаб олган. Унинг таржимаи ҳолидан маълумки, у ўзининг қисқа, аммо баракали умрини фақат, ўқиш, изланиш, ўрганиш ва ёзиш билан ўтказган. У ижтимоий ишларнинг кўплиги, сиёсий урушлар, чигалликларга қарамай табобат билан доимий шуғулланган ҳамда вазирлик ишларининг мураккаблигига қарамай, доим кечани тонга улаб мутолаа қилган, тадқиқот билан банд бўлган. Ҳар бир ишга қўл урганда то унинг сўнггига етмагунча тиним билмас, собит қадамлик билан унинг ортидан қолмас эди.

Тарбия ёш авлодда муайян руҳий, аҳлоқий, маънавий ва жисмоний сифатларни шакллантиришга йўналтирилган амалий педагогик жараён эканлиги Ибн Синонинг аҳлоқий қарашларида ўз аксни топган.

Хулоса, қилиб айтиш мумкинки, Ибн Сино ўз асарларида инсонни улуғлаб, уни маънавий камолот даражасига кўтаришнинг асосий мезонларини, ақлий камолотнинг юксак даражасига эришишнинг турли йўлларини батафасил ёритиб берган. Баркамол авлод маънавиятининг пойдевори оилада, жамиятда қўйилади. Унинг сифати, самараси эса келажак ҳаётни белгилаб беради. Шунинг учун мутафаккирларнинг тарихий меросини асраб-авайлаш, ёш авлод тарбиясида уларга таяниб иш тутиш самарали натижаларни бериши аниқ.